

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БОБОКУЛОВ ГУЛМУРОД ДИЛМУРОДОВИЧ**

**ГЕМОРРАГИК ВА ИШЕМИК ИНСУЛТЛАРНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ  
ДИАГНОСТИКАСИ, РЕАБИЛИТАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.13–Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бобокулов Гулмурод Дилмуродович**

Геморрагик ва ишемик инсултларнинг дифференциал диагностикаси,  
реабилитация тадбирларини оптималлаштириш

усуллари.....3

**Бобокулов Гулмурод Дилмуродович**

Дифференциальная диагностика геморрагического и ишемического  
инсульта, пути оптимизации реабилитационных

мероприятий.....23

**Bobokulov Gulmurod Dilmurodovich**

Differential diagnosis of hemorrhagic and ischemic stroke, ways to optimize  
rehabilitation measures

.....42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....46

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**БОБОКУЛОВ ГУЛМУРОД ДИЛМУРОДОВИЧ**

**ГЕМОРРАГИК ВА ИШЕМИК ИНСУЛТЛАРНИНГ**  
**ДИФФЕРЕНЦИАЛ ДИАГНОСТИКАСИ, РЕАБИЛИТАЦИЯ**  
**ТАДБИРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**

**14.00.13–Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО– 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.3 PhD/Tib2112 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Ходжиева Дилбар Таджиевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Новикова Лилия Бариевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Джурабекова Азиза Тахировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилган.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**С.С. Пўлатов**

Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**  
Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Инсулт касаллиги кўп йиллар давомида неврологиянинг муҳим тиббий ва иқтисодий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, «...2018 йилга келиб, дунёда инсултдан ўлим даражаси 6,2 млн кишини ташкил этган, яъни ҳар 1000 аҳолига инсултнинг 1,0-3,0 ҳолати қайд этилган...».<sup>1</sup> Турли оғирлик даражасидаги когнитив бузилишлар миёда қон айланишининг ўткир бузилишини бошидан кечирган беморларнинг катта қисмида юзага келади ва функционал қайта тикланиш жараёнини секинлаштиради, такрорий инсулт ҳамда летал яқун хавфини оширади. Инсултдан қайта тикланиш даврида ҳам регресс, ҳам когнитив етишмовчиликнинг сезиларли даражада ўсиш эҳтимоли мавжуд.

Жаҳон миқёсида инсулт бўлган беморларда касалликнинг олдини олиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Церебрал инсулт (ЦИ) ни ташхислаш ва қиёсий ташхислаш босқичларини оптималлаштириш, инсулт билан оғриган беморларни даволаш характери ва тўлиқлигини асослаш ҳам хорижий, ҳам маҳаллий муаллифлар томонидан ўрганилган. Бу вазифалар, замонавий тиббий ёрдам даражасини янги даражага олиб чиқиш ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, замонавий технологиялардан фойдаланиш учун, инсултни ташхислаш ва оқибатларини даволашда илғор илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида аҳоли учун ўта муҳим бўлиб ҳисобланади. Популяцияда бош миёда томир хасталиклари билан боғлиқ когнитив функциялар бузилишининг кенг тарқалганлиги, бутун жамиятнинг ҳолатига катта таъсир кўрсатади ва касбий, ижтимоий ва маиший соҳаларга мослашишда қийинчиликлар келтириб чиқарувчи, энг долзарб тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлиқ сақлаш соҳаси тубдан янгиланди. Бугунги кунда ЎзР тиббиётида долзарб муаммо, касалликларга эрта ташхис қўйиш, шунингдек уларнинг асоратларини камайтириш бўйича даволаш чораларини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда, «...2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига кўра, мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатилишини янада яхшилаш кўзда тутилмоқда...».<sup>2</sup> Ҳозирги вақтда, ечимини кутаётган биринчи даражали вазифа – инсулт билан оғриган беморларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида ўз вақтида ташхисот, замонавий технологияларнинг қўлланишини кенгайтириш ҳисобига юқори малакали, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ҳисобланади, бу аҳолининг турли қатламларида ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

<sup>1</sup>WHO. World health statistics, 2013; WHO.Hearts: technical package for cardiovascular disease management in primary health care, 2018

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

Ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 7-февралдан “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сон фармони, 2017 йилнинг 20-июнидан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сон қарори, 2018 йил 7 декабридан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон фармони, 2018 йил 30 августидан “Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3925-сон қарори, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Церебрал инсулт (ЦИ) ҳам дунёда, ҳам Ўзбекистонда клиник неврологиянинг муҳим муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бу хасталикнинг аҳоли орасида кенг тарқалганлиги, ўлим ва ногиронлик ҳолатларининг кўплиги билан тушунтирилади, шу билан бирга ушбу кўрсаткичларнинг сўнгги йилларда ўсиши кузатилган [Сергеев Д. В., ва ҳаммуал., 2017; Макаров А.Ю. ва ҳаммуал., 2017]. ЦИ нинг Ўзбекистонда тез суръатда тарқалаётганлиги, мазкур патология оқибатида аҳоли орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларининг юқори фоизи, инсулт ташхисининг кутилаётган “ёшариш” тенденцияси, аҳолининг урбанизацияси ушбу мавзунинг долзарблигини аниқлаб берган [Икрамов А. И., 2017; Алиханова Н.М., 2018; Хайдарова Д.К. ва ҳаммуал., 2019].

Инсултнинг ишемик ёки геморрагик характерини муайян белгилар уйғунлиги бўйича ташхислаш мумкин. ЦИ ривожланишининг клиник кўриниши, одатда, ўчоқли белгилар тўсатдан вужудга келиши билан тавсифланади. Инсултга ўз вақтида ва тўғри ташхис қўйиш учун шифокор неврологик кўрик вақтида ушбу касалликка хос бўлган асосий клиник-неврологик синдромларни (ўчоқли, бутун мияда, менингеал) аниқлай олиши ва бу бўйича билимга эга бўлиши зарур [Логаткина А. В. ва ҳаммуал., 2017; Егорова Ю.В. ва ҳаммуал., 2017; Екушева Е.В., 2019]. Биринчи соатларда компьютер томографияси 100% ҳолатда инсултнинг геморрагик характерини, 60% ҳолатда эса – ишемик характерини белгилаш имконини беради. Бош миянинг МРТси неврологларга қон қуйилиши ва гематоманинг суратини олиш, мияда шиш белгиларини, улар силжиган ликвор ўтказувчи йўлларга қон тушганлигини аниқлаш имконини беради. Ишемик инсултда МРТинфаркт соҳасини, шу жумладан мия пояси соҳасининг суратини олиш, ликвор-динамик йўллар ва перифокал шишнинг силжиш белгиларини қайд этиш имконини беради. Ангиографик режимда у томирлар суратини

ноинвазив йўл билан олиш имконини беради [Логаткина А. В. ва ҳаммуал., 2017; Егорова Ю.В. ва ҳаммуал., 2017; Екушева Е.В., 2019].

Геморрагик инсултнинг анъанавий белгилари касалликнинг тўсатдан, апоплектиформ ривожланиши, ҳушдан кетиш ва неврологик белгиларнинг (одатда фалаж) бир онда содир бўлиши ҳисобланади. Мия инфарктига функцияларнинг тобора бузилиши, касаллик аввалида ҳушида бўлиш каби олдин келувчи белгилар хос. Бироқ хасталик камдан-кам ҳолатларда мазкур кўринишда кечади. Қатор ҳолатларда қон қуйилиши дастлаб ҳушдан кетиш билан кузатилмайди ва неврологик белгилар маълум вақт давомида ортиб боради. Ишемик инсултнинг ноодатий кечиши янада кўп учрайди, бунда у ўта ўткир бошланиши, бир онда миянинг бошқа функцияларини ҳам йўқолиши билан характерланади. Шунинг учун инсултнинг турига ташхис қўйиш учун, бошқа белгиларга эътибор бериш лозим [Туйчиева М.Г.и ҳаммуал., 2016; Сергеев Д.В. ., 2017; Шишкова В. ва ҳаммуал., 2019].

Геморрагик ва ишемик инсултнинг биринчи қиёсий ташхисотини ўтказиш муҳим вазифа ҳисобланади. Айтиб ўтиш лозимки, беморларнинг ушбу гуруҳига ёрдам кўрсатиш босқичларида реабилитация чораларидан фойдаланиш, реабилитация кўрсаткичларини яхшилаш, ҳаёт фаолиятида чекланишларни камайтириш, ҳамда беморларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатга қайтариш имконини беради [Сергеева Т.В. ва ҳаммуал., 2019; Зайцева Е.В., Исакова Е.В., 2019]. Хасталикнинг ўткир давридан кейин реабилитация чора-тадбирларига риоя қилинган ҳолатда, энг замонавий ва қиммат даволаш ҳамда реабилитация усулларида эмас, кўплаб тиббиёт муассасаларида мавжуд шароитдан фойдаланиш реабилитация чораларининг самарадорлигини ошириш ва ЦИ ни бошидан ўтказган аксарият беморларни ногиронликсиз, мустақил ҳаётга қайтариш имконини беради [Дамулин И., ва ҳаммуал., 2017; Лопатина Т.Н., Терентьева О.В., 2019]. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг аксарият аҳолиси, доимий яшаш жойидан қатъи назар, инсултдан кейин бузилган функцияларни қайта тиклашнинг янги усуллари ва умуман, реабилитациядан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши даркор.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг №03.2019.PhD .048 “Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2017–2021 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** ишемик ва геморрагик инсулт билан касалланган беморлар учун дифференциал диагностика мезонлари, реабилитация қайта тиклаш чораларини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

церебрал инсултларнинг турига боғлиқ равишда, клиник-функционал ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

геморрагик ва ишемик инсултда оқ модданинг микротузилмали ўзгаришларини тўлақонли баҳолаш учун МРТ-трактография кўрсаткичларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш;

геморрагик ва ишемик инсултларнинг дифференциал диагностика мезонларини ишлаб чиқиш;

геморрагик ва ишемик инсулт билан касалланган беморларда интраназал кортексин ва БҚА-терапия қўлланганида, уларнинг мослашувини баҳолаш, ҳамда беморлар орасида реабилитациянинг қайта тиклаш чораларини оптималлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** геморрагик ва ишемик инсулт билан касалланган 147 нафар беморни клиник текшириш ва даволашни проспектив таҳлил қилиш маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** церебрал томирлар, хусусан экстракраниал томирларнинг йўлини клиник, нейровизуализация, ултратовушли, ултратовушли доплерография усулида текшириш натижалари бўлган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** клиник-неврологик, нейровизуал, ултратовушли, клиник-биокимёвий лаборатория усуллари, нейропсихологик текширув, касаллик тарихининг таҳлили ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор мия қобиғи ва орқа мия йўлларида фракцион анизотропия -FA қийматини баҳолаган ҳолда, церебрал инсултнинг ўткир даврининг кечиши ўрганилиб, олинган натижалар предикторлари қайд этилган ва геморрагик инсулт rFA 0,7 дан паст, ишемик инсулт учун эса rFA 0,7 дан баландлиги исботланган;

илк бор оқ моддада микротузилмали ўзгаришларни баҳолаш учун церебрал инсултларнинг диффуз-тензор Магнит-резонансли томография орқали касалликнинг қиёсий ташхислаш мезонлари аниқланган;

церебрал инсулт касаллигининг нейровизуал тадқиқот натижаларини қиёслаш патологик ўзгаришларнинг учраш даражаси, характери, тузилиши, сабаблари ва ривожланишида ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги аниқланган;

интраназал кортексин ва биологик қайта алоқа-терапия қўлланилганда неврологик бузилишларнинг қиёсий натижаларининг ижобий динамикаси аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

диффузион-тензорли магнит-резонансли томография да rFA анинг аниқланиши, ишемик ва геморрагик инсултни қиёсий баҳолашда қўшимча мезон сифатида таклиф қилиниши аниқланган;

церебрал инсултнинг диффузион-тензорли МРТ текширувидаги неврологик бузилишларнинг (мия қобиғи ва орқа мия йўллари) ҳолатини обектив баҳолаш, текширув усулларида бири сифатида қўлланилиши аниқланган;



церебрал инсултни эрта тиклаш даврида биологик қайта алоқа-терапия ва кортексинни интраназал қўллаш, реабилитацияда даволаш тартиби сифатида қўлланилиши тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларда бир-бирини тўлдирувчи олинган натижалар ва назарий методлар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг етарли миқдори, чет эл ва мамлакатимизда ўтказилган тадқиқотларнинг солиштирилиши, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан берилган хулосалар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти геморрагик ва ишемик инсултларнинг қиёсий ташхисоти, реабилитация тадбирларини оптималлаштиришдан ташқари, уларни даволашда мос келадиган даволаш турини танлаш имконини беради, ҳамда беморларнинг психологик ва жисмоний лаёқатини ошириш ва меҳнат қобилиятини тиклаш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти геморрагик ва ишемик инсулт билан касалланган беморларни аниқлаш, касаллик асоратланган шакли ривожланишининг олдини олиш, ҳамда унинг эрта даврида реабилитацион –тикловчи чораларини амалга ошириш, шунингдек, йўқотилган меҳнатга лаёқатсиз кунларнинг камайиши орқали изоҳланган.

#### **Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши.**

Геморрагик ва ишемик инсултларнинг дифференциал диагностикаси, реабилитация тадбирларини оптималлаштириш усуллари бўйича олинган илмий натижалар асосидақуйидагилар яратилди:

“Ишемик ва геморрагик инсултларни дифференциал диагностикасининг алгоритми” услубий тавсияномаси (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 12 октябрдан №8н-р/892-сон хулосаси) тасдиқланган. Мияга қон қўйилишининг ўткир бузилишини клиник белгиларидан ташқари, дифференциал диагностика учун клиник ва ускунавий текширув усуллариининг натижаларидан фойдаланиш имконини берган;

“Инсулт ҳолатидан эрта қайта тиклаш даврида томирда когнитив бузилишларни даволашни оптималлаштириш усули” услубий тавсияномаси (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 10 октябрдан №8н-р/893-сон хулосаси) тасдиқланган. Беморларни комплекс даволашда интраназал Кортексин ва БҚА-терапиясининг тайинланиши неврологик клиник белгиларни ифодали камайтириш имконини берган;

илмий ишнинг натижалари, Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳар кўп тармоқли тиббиёт марказининг неврология бўлимлари, СаМТИ 1-клиникасининг амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2021-йил 26-октябрдан №8н-з/384-сон хулосаси). Комплекс даволашда интраназал Кортексин ва БҚА-терапиясининг қўлланилиши неврологик клиник белгиларни ифодали камайтириш имконини берган. ЦИ билан касалланган беморларда неврологик белгилар, шунингдек когнитив бузилишлар интраназал кортексин ва БҚА-терапия қўлланилиши фониди

ижобий динамикани кўрсатди, церебрал белгиларнинг жами 48% га регресси қайд этилиб, неврологик кўрсаткичларнинг регресси эса ўртача 32% ни ташкил этди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 5таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, текширув объекти ва предметлари аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилганлиги, апробация натижаси, нашр қилинган мақола, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Церебрал инсултларда патогенез, диагностика ва нейропротекция масалаларининг замонавий ҳолати»** олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида геморрагик ва ишемик инсултлар муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ишемик инсулт ўчоқли церебрал ишемия эволюцияси билан сезилмас функционал ўзгаришлардан бошлаб, миянинг қайта тикланмас тузилмали шикастланиши – некроз ҳолатигача олиб келиниши таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Геморрагик ва ишемик инсултларнинг дифференциал диагностика ва реабилитацияси бўйича беморларнинг клиник тавсифи ва тадқиқотнинг усуллари»** геморрагик ва ишемик инсултларнинг қиёсий таҳхисот ва реабилитация тадбирлари бўйича текширув материаллари ва усуллари баён этилган.

Тадқиқотларнинг асосига жами олинган инсулт билан касалланган 147 нафар беморни текшириш маълумотлари аниқланган. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун умумий клиник, лаборатор ва ускунавий тадқиқот усулларида фойдаланилган. Ишемик (81

нафар бемор) ва геморрагик (66 нафар бемор) турдаги мияда қон айланишининг ўткир бузилиши (МҚАЎБ) билан хасталанган 147 нафар бемор кузатув остида бўлган.

*Киритиш мезонлари:* беморнинг ёши 40 дан катта, ишемик ва геморрагик инсулт; ЦИнинг ўткир ва эрта қайта тикланиш даври; бемор ёки унинг қариндошлари томонидан тадқиқотда иштирок этиш учун келишувнинг имзоланиши.

*Чиқариш мезонлари:* беморларнинг ёши 40 дан кичик; тадқиқотда иштирок этишдан бош тортиш, тадқиқот даврида ЦИнинг летал ҳолатлари, метаболик, токсик, дори-дармон энцефалопатиялари, Паркинсон касаллиги, Альцгеймер хасталиги, эпилепсия, бош мия жароҳатлари, марказий асаб тизими (МАТ) нинг инфекцияли, демиелинизирловчи, ирсий-дегенератив касалликлари ҳамда соматик патологиянинг декомпенсация босқичидаги беморлар.

Такрорий инсултлар учраш даражаси бўйича бирламчи инсулт устунлик қилган – 80%, такрорий инсулт- 20% беморларда ривожланди. Ишемик тури бўйича бирламчи инсултга -52,79% ҳолатда, такрорий ишемик инсултга -17,57% ҳолатда ташхис қўйилган. Бирламчи геморрагик инсулт текширилган беморларнинг умумий сонидан -27,3% беморда, такрорий инсулт эса- 2,33% беморда ривожланган. Такрорий инсулт бирламчи эпизод бошланганидан 28 кундан кейин ривожланган ҳолатда қайд этилди. Дастлабки кунлар давомида 61,9% бемор шифохонага ётқизилди. ИИ билан оғриган беморларнинг ҳиссаси -55,6% ни, ГИ бўлган беморлар – 69,7% ни ташкил этди. Касалликнинг биринчи 3-6 соатида -17,7% бемор шифохонага ётқизилди, улардан ИИ – 23,5% ва ГИ-10,6% ни ташкил этди. 38,1% беморлар касаллик бошланганидан 24 соат ўтиб шифохонага ётқизилди, улар орасида ИИ – 30,3%, ГИ – 44,4%ни ташкил этган.

Ўтказилган терапиянинг турига боғлиқ равишда беморлар 2 та даволаш гуруҳларига ажратилган:

1-гуруҳни – ЦИни бошидан ўтказган, кортексиннинг интраназал қўлланиши ва БҚА-терапиянинг билан базис терапия (ЎзР ССВ инсулт ва диагностика стандартлари, 2008-йил) олган 74 нафар бемор ташкил қилди. кортексин аралашмасини интраназал юбориш учун аппарат “Поток1” электрофарезидан фойдаланилган. Дастлаб 10 мг кортексин 1мл- 0,9% NaCl аралашмаси билан эритилади. Бемор ётган ҳолда иккала бурун бўлиғига 5 томчидан томизилади, кейин тоза ва хўлланган пликчали электродлар иккала бурун бўшлиғига киритилади. Дастлаб биринчи уч кун муолажа 1 мА ток кучида 5-7 дақиқа, кейинги муолажалар 3 мА ток кучида 5-7 дақиқа давом этди, муолажа кунига бир марта бажарилади. Ўтказилган муолажалар миқдори 7-10 кунни ташкил этган.

1-гуруҳ иккита кичик гуруҳларга ажратилди: 1А кичик гуруҳни – ГИ ни бошидан ўтказган 33 нафар бемор; 1Б кичик гуруҳни – ИИ ни бошидан ўтказган 41 нафар бемор ташкил этган.

2-гурух– анъанавий даволаш усулида олиб борилган 73 нафар беморни ташкил этган.

Базис терапия асосий касалликни даволаш учун дори-воситалар ва у билан мос келувчи бошқа дори воситаларини ўз ичига олган, хусусан, кўрсатмалар бўйича гипотензив, антиагрегант ва гиполипидемик воситаларни ташкил этган. 2-гурух, шунингдек 2 та кичик гуруҳга бўлинган: 2А гуруҳни– ГИ ни бошидан ўтказган 33 нафар бемор; 2Б кичик гуруҳни – ИИ ни бошидан ўтказган 40 нафар бемор ташкил этган.

Статистик маълумотларни ишончилигини баҳолаш учун тўртта асосий асосий кўрсаткич қабул қилинган: юқори –  $p < 0.001$ , ўрта –  $p < 0,010$ , пастки –  $p < 0,050$ , ишончсиз –  $p > 0,050$ . Корреляцион алоқани аниқлаш учун Кэнделл усули қўлланилди, баҳолаш эса унинг (белгининг) абсолютга йўналганлигини ҳисобга олиб ўтказилди.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Ишемик ва геморрагик инсултларни қиёсий ташхисотининг алгоритми**» ИИ билан касалланган беморлар орасида этиологик омилларни ҳисобга олган ҳолда, инсултни АБ фониди бошидан кечирган 71,6% бемор ажратилган, 32,1% беморда ҚД, 16% беморда варикоз касаллиги кузатилган. Мазкур контингентдан 28,4% беморда инсултнинг сабаби ЮИК бўлди. ГИ нинг асосий сабаби, АБ нинг ошиши кузатувдагиларнинг 100% ида аниқланган. АБ ва ЮИК уйғунлиги 39,4% беморларда қайд этилди. 2-турдаги ҚД -39,4% беморларда кузатилган.

Жойлашуви бўйича мия ичидаги гематомалар қуйидагича тақсимланди: пешана гематомалари 31,8% ни (66 нафар бемордан 21 нафарида); медиал 24,2% (66 нафар бемордан 16 нафари); латерал ва аралаш мия ичи гематомаси 28,8% (66 нафар бемордан 19 нафарида); кичик мияча ичи гематомалари 9,1% (66 нафар бемордан 6 нафарида), бош мия пояси гематомалари 6,1% (66 нафар бемордан 4 нафарида) ни ташкил қилган.

Ўрганилаётган беморларнинг 13,6% (66 нафар бемордан 9 нафарида) да 50 мл дан зиёд кўп миқдорда қон қуйилиши аниқланди, 31,8% беморда (66 нафардан 21 нафар беморда) – ўртача гематомалар (20-50 мл) ва 54,5% ҳолатда (66 нафардан 36 нафарида) – кичик ўлчамли гематомалар (20 мл гача) аниқланди.

ИИ нинг турлари бўйича тақсимланишга кўра, гемодинамик аҳамиятга эга (брахиоцефал артерияси) БЦА стенозининг аниқланган аломатлари билан атеротромботик тури 27,2% беморларда (81 нафар бемордан 22 тасида) аниқланди, кардиоэмболик тури 30,9% (81 нафар бемордан 25 таси) ҳолатда қайд этилди, бунинг сабаби аксарият ҳолатларда юрак бўлмасининг фибрилляцияси (ЮФ) бўлди. Кўпроқ симптомли стеноз ва ЮФ ни уйғунлаштирувчи аниқланмаган тури 23,5% (81 нафар бемордан 19 тасида) ҳолатда қайд этилди, 23,5% беморда (81 нафар бемордан 19 тасида) – бошқа этиологияли ишемик инсулт белгиланди, улар орасидан 9,9% беморда лакунар турга ташхис қўйилди (81 нафар бемордан 8 тасида), 1,2% ҳолатда – гемодинамик (81 нафар бемордан 1 тасида) ва 7,4% ҳолатда (81 нафар бемордан 6 тасида) инсултнинг сабаби аниқланмади.


Церебрал гемодинамиканинг энг заиф бассейни уйку артериялар тизими бўлди. 37 нафар беморда (45,7%) ИИ чап каротид бассейнда ривожланди, 36 нафар (44,4%) беморда эса – ўнг каротид бассейнда, 8 нафар беморда (9,9%) эса – вертебробазилар бассейнда кузатилди. Шу билан бирга, чап каротид бассейнда ИИ ривожланиш тенденцияси ҳам эркаклар, ҳам аёлларда сезиларли равишда қайд этилган.

Ўлчамлари бўйича ўрта (81 нафар бемордан 23 нафариди) ва катта ўлчамлардаги (81 нафар бемордан 22 нафариди) ишемик ўчоқлар устунлик қилади. Кичик инсултлар 25,9% (81 нафар бемордан 21 тасида) беморларда қайд этилди. Кенг ишемик жароҳатланишлар 18,5% ҳолатда (81 нафар бемордан 15 тасида) учради. Ишемик зарарланиш ўчоғининг ўрта ўлчамлари  $385 \pm 1,5$  мм ни ташкил қилган.

ГИ бўлган беморларда (80%) инсулт кундузги вақтда ўткир ривожланган, бу вақтда ИИ 85% ҳолатда (81 нафар бемордан 63 тасида) инсулт тунги вақтда ёки эрталаб ривожланган. Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра 27 нафар (56,3%) эркак беморларда ГИ ўнг каротид бассейн тизимида ривожланди, 16 (33,3%) ҳолатда – ГИ нинг ўчоғи чап уйку артериясининг бассейнида кузатилди ва 5 (10,4%) ҳолатда – асосий артерия бассейнида қайд этилди. Бемор аёлларнинг аксариятида (55,6%) ГИ чап каротид бассейн тизимида ривожланди, 33,3% аёлда – ўнг каротид бассейнда ва 2 (11,1%) ҳолатда – умумий уйку артерияси тизимида ривожланган.

20 нафар беморда (30,3%) қон қўйилиши ликвор ўтказувчи тизимга ўтиши билан кузатилди ва бу 26 нафар (54,2%) эркакларда устунлик қилди.

Қуйидаги ўчоқли неврологик белгилар ишемик инсултда аниқланган: гемипарез 56%, диплопия 20%, қўл ва оёқда зарарланишлар 20%, афазия 36%, патологик рефлекслар 68%, дисфагия 23% ва нистагм 32,1%, ни ташкил этган бўлса, геморрагик инсултда эса: гемипарез 20%, диплопия 22%, қўл ва оёқда зарарланишлар 18%, афазия 39,4%, нистагм 38%, дисфагия 19,7% ва патологик рефлекслари 91% ҳолатда кузатилган (1-расм).



### 1-расм. ГИ ва ИИ билан касалланган беморлар орасида ўчоқли неврологик белгиларнинг аниқланиш даражаси

NIHSS ўлчовининг қийматларини ҳисобга олиб, неврологик етишмовчилик маълумотларига кўра, ИИ билан қабул қилинган беморлар орасида 29,6% да инсултнинг энгил шакли қайд этилган, бу вақтда ГИ бўлган беморларнинг 21,2% да касалликнинг энгил шакли кузатилди, ИИ бўлган беморларнинг 30,9% ва ГИ бўлган беморларнинг 19,7% ўрта даражали инсулт, ҳамда ИИ бўлган беморларнинг 39,5% ва ГИ бўлган беморларнинг 59,1% да касалликнинг оғир шакли аниқланди. ГИ да ярмидан кўп ҳолатларда оғир неврологик етишмовчилик кузатилганлиги белгиланди. Геморрагик инсултда ҳуш бузилишининг оғирлиги юқори (60,6%, 66 нафар бемордан 40 нафариди), ишемик инсултда эса 44,4% (81 нафар бемордан 36 тасида) ни ташкил этади. ГИ билан қабул қилинган 60,6% беморлар кома ҳолатида бўлди, бу вақтда ИИ билан қабул қилинган беморлар орасида бу миқдор 4,9 марта паст бўлиб, 12,3% ни (81 нафар бемордан 10 тасида) ташкил этди, бу ишончли характерга эга бўлди, қисқа муддатга беҳушлик, ИИ бўлган беморларнинг 32,1% (81 нафар бемордан 26 таси) да кузатилди, ГИ бўлган беморларнинг 39,4% (66 нафардан 26 таси) қарахт ҳолатда қабул қилинган. ИИ бўлган 55,6% беморларда (81 тадан 45 тасида) эс-ҳушининг бузилмаслиги ҳолати билан қабул қилинди. Ишемик инсултда тери қопламлари – оқ ёки табиий рангда, бу вақтда геморрагик инсултда улар – қизарган рангда кўринади. Кўз соққасининг сузувчи ҳаракатлари ГИ бўлган беморларда 21,2% (66 нафардан 14 тасида), эпилептик тутқаноқлар 6,1% (66

нафардан 4 тасида) беморларда кузатилди, менингиал белгилар эсаб,1% беморларда қайд этилган (66 нафардан 4 тасида).

Шундай қилиб, ташхис анамнезнинг яхшилаб ўрганилиши, хавфли омилларини аниқлаш ҳамда клиник маълумотлар, айнан нерологик аломатларнинг таҳлилига асосланади. Инсултларнинг клиник кўринишлари турли-туман ва кўп жиҳатдан мия зарарланиши қайси томир ҳавзасида содир бўлганлиги ва унинг характери билан аниқланган (ишемия ёки геморрагик).

ИИнинг ўткир босқичида (0 – 5 кунгача) 24 нафар беморлар орасида МРТ текширув усули, биринчи навбатда миянинг цитотоксик ва вазоген шишининг ривожланиши туфайли келиб чиққан, бош мия паренхимасидаги бузилишларни аниқлаш имконини берди. Шу билан бирга шикастланиш ўчоқлари Т2-ВИ да аниқ кўринди ва сигналнинг юқори интенсивлиги бўлган соҳалар кўринишига эга бўлди, бу вақтда Т1-ВИ да кам интенсивликдаги сигналларни аниқлади. Ишемик инсултнинг эрта даврларида шикастланиш ўчоқларини чегаралари ноаниқлиги ва “хиралиги” кўринишидаги ўзгаришларнинг ўзига хослиги диққатни ўзига тортган.

Варолий кўприги соҳасида чап томонда Т2-ВИ да диаметри 0,8 см юқори сигнал ўчоғи кўринади. Т2-ВИ да 0,6 см гача юқори сигнал ўчоқлари перивентрикуляр аниқланади. Миянинг қоринчалари, субарахноидал соҳанинг мўтадил кенгайганлиги кўринади.45 нафар беморда ишемик инсултдан эрта қайта тикланиш даврида Т2-ВИ да инфарктнинг аниқ чегараларга эга соҳалари кузатилади, уларда сигнал интенсивлиги юқори бўлади. Т1-ВИ да гипointенсивлик фонида баъзида протеиннинг юқори микдори билан боғлиқ, майда баланд сигнал соҳалари аниқланади. Варолий кўприги соҳасида чап томонда 2,1x1,2x1,2 см Т2-Ви да юқори сигнал соҳаси ва Т1-ВИ да паст сигнал соҳалари аниқланади. Иккала томондан перивентрикуляр ва субкортикал тарзда Т2-ВИ да 0,6 см гача юқори сигнал ўчоқлари, жойларда қўшилган характерда, ён қоринчаларнинг орқа шохларида шишлар мавжуд бўлади. Миянинг қоринчалари, субарахноидал соҳа мўтадил кенгайган бўлган.

Касаллик 21 кундан ортиқ давом этаётганда, ИИ бўлган 29 нафар беморда шиш абсорбцияси натижасида некротик соҳалар аниқ чегараланди. Бунда МР-томограммаларда шикастланиш соҳасининг ўлчамлари кичрайди ва аниқ чегаралар ҳосил қилди. Натижада некротик массалар резорбцияланади ва уларнинг ўрнини глиоз тўқималар эгаллайди ва киста шаклланади. Бунда Т1-ВИ да глиоз сигнал юқори интенсивликда бўлган соҳа сифатида аниқланади, бу вақтда киста сигналнинг паст интенсивлигига эга бўлади, у ликвор суюқлиги билан боғлиқ бўлиб, Т2-ВИ да глиоз ва киста бир хил интенсивликда кўринган.

ГИнинг МРТ кўриниши, гематома тасвирининг контрасти гемоглобиннинг оксидланиш маҳсулотлари (оксигемоглобин, деоксигемоглобин, метгемоглобин, гемосидерин) мавжудлиги, уларнинг парамагнит хоссалари ва Т1 ва Т2 релаксация вақтининг таъсири билан аниқланиши туфайли ўзига хос жиҳатларга эга. ГИнинг эрта даврига, оксигемоглобиннинг деоксигемоглобинга айланиши ҳисобига Т2-ВИ да

коннинг гипоинтенсив сурати хос бўлган. Бу даврда эритроцитлар парчаланмай қолади. Деоксигемоглобин T1-томограммаларда бош мияда оқ моддага изоинтенсив ёки кўтарилиш тенденциясига эга бўлади. Гемоглобиннинг ўзгариш жараёни перифериядан марказга қараб боради, шунинг учун T1- ва T2-ВИ да эрта босқичда қон қуйилиши ҳалқасимон шаклга эга бўлади, бунда гипоинтенсивлик соҳаси гиперинтенсивлик соҳаси билан ўралган бўлади. ГИнинг эрта қайта тикланиш даврида (> 14 сутка) гипоинтенсивлик соҳаси перифериядан марказга қараб катталашади, гипоинтенсивлик сигнали T1- ва T2-ВИга хос бўлган.

Кейинги босқичда биз, оқ модданинг микроузилмали ўзгаришларини батафсилроқ баҳолаш учун диффузион-тензор МРТ (ДТ МРТ) дан фойдаланиб, бош мияда МРТ кўрсаткичларини таҳлил қилдик. 25 нафар кўнгиллиларда ва 40 нафар церебрал инсулт бўлган беморларда текширувлар ўтказилди, улардан 20 нафариди ИИ ва 20 нафариди ГИ ташхис қўйилди. Назорат гуруҳидаги кўнгиллиларнинг мия қобиғи ва орқа мия йўллари соҳасида, ўнг ва чап яримшарларда rFA қийматлари аниқланганида 3.1-жадвалда келтирилган, қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди(1-жадвал).

1-жадвал

### Назорат гуруҳидаги кўнгиллиларда мия қобиғи ва орқа мия йўллари соҳасида FA кўрсаткичлари

Қизиқиш соҳалари	FA	
	Ўнг яримшар	Чап яримшар
Ички капсуланинг орқа сони	0,634±0,012 [0,618;0,655]	0,633±0,013 [0,606;0,645]
Мия оёқчаси	0,686±0,014 [0,673;0,714]	0,693±0,013 [0,659;0,703]
Мия кўприги	0,504±0,012 [0,460;0,541]	0,507±0,011 [0,467;0,554]

Олинган маълумотларнинг таҳлили, мос келувчи даражаларда, назорат гуруҳидаги кўнгиллиларнинг ўнг ва чап яримшарларида rFA кўрсаткичлари ўртасида статистик аҳамиятга эга фарқ аниқланмаганлигини кўрсатди. Шу билан бирга ИИ бўлган беморлар гуруҳида бош мия қобиғи ва орқа мия йўллари соҳасида rFA қийматлари таққосланганида контра- ва ипсилатерал томонлар ўртасида, 14-15 кунда контра- ва ипсилатерал бош мия қобиғи ва орқа мия йўллари ўртасида rFA кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ ишончли бўлди. Шунини таъкидлаш жоизки, ГИ бўлган беморларда мия қобиғи ва орқа мия трактлари соҳасида rFA кўрсаткичлари ИИ бўлган беморлардан олинган маълумотларга нисбатан ишончли паст бўлди. Шу билан бирга, ИИ бўлган беморлар гуруҳида ўткир даврда, контра- ва ипсилатерал томонлар ўртасида, мия қобиғи ва орқа мия йўллари соҳасида FA қийматлари билан контра- ва ипсилатерал мия қобиғи ва орқа мия йўллари ўртасида rFA кўрсаткичлари орасида фарқ ишончли бўлган.



Шу даражаларда ва мос келувчи муддатларда церебрал инсулт бўлган беморлар учун rFA кўрсаткичларининг мутлақ кўрсаткичларидан ташқари, rFA нисбий катталикларида ўзгаришлар баҳоланди (инфаркт томонда pFA=rFA /инфаркт бўлмаган томонда ФА), rFA кўрсаткичлари церебрал инсултнинг турига боғлиқ равишда, ОСИК, мия оёқчаси ва мия кўприги даражасида, ипси- ва контралатерал томонда, мия қобиғи ва орқа мия йўллари учун rFA кўрсаткичларининг умумий ўзгариш қонуниятини очик кўрсатиб беради. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ГИ бўлган беморларда, ИИ бўлган беморлар билан таққослаганда rFA қийматларининг ишончли камайиши белгиланди. Шу билан бирга, ИИ бўлган беморлар учун rFA 0,7 дан юқори кўрсаткичга мос бўлди, бу вақтда ГИ бўлган беморларда бу кўрсаткич 0,7 дан камни ташкил этган.

ИИ бўлган беморларда ЭКГ ўзгаришларининг таҳлили шуни кўрсатдики, биринчи текширувда юрак фаолиятидаги ўзгаришлар фақат 7 нафар (8,6%) беморларда кузатилмади ва 17,3% беморларда (14/81) тахикардия ҳолати кузатилди, кам ҳолатларда брадикардия – 6,2% (5/81) беморда ва қоринчалар экстрасистолияси 8,6% (7/81) беморда кузатилди. Ўтказувчанлик функциясининг бузилиши беморларда атриовентрикуляр (АВ) ўтказувчанликнинг секинлашиши (6,2% беморларда (5/81)) ва Q – Т интервалнинг узайиши (12,3% (10/81) беморларда) кўринишида рўйхатга олинди. Энг кўп ҳолатда S – Т сегмент ва Т тишча ўзгаришлари қайд этилди, улар реполяризация жараёнларининг бузилиши деб аталади. S – Т сегментда ўзгаришлар 16 нафар (19,8%) беморларда депрессия кўринишида белгиланди. Энг кўп учраган феномен Т манфий тишча бўлди – 33 нафар (40,7%) беморларда кузатилган.

Тахикардия, экстрасистолия, Q – Т интервалнинг узайиши каби ўзгаришларни динамикада баҳолаганимизда, улар регрессланиш тенденциясига эга бўлганлигини аниқладик. S – Т сегмент ва Т тишча томонда ўзгаришлар даражаси камаймади, S – Т сегментда депрессия даражаси эса 25,9% га (21/81) ошган.

ГИ бўлган беморлар текширилганда, улар орасида 66 нафар беморда юрак фаолиятида ўзгаришларнинг баҳоланиши, тахикардия ва экстрасистолия, ИИ бўлган беморларга қараганда бирмунча кўп учраганлигини кўрсатди. АВ-ўтказувчанликнинг секинлашуви ва Q – Т интервалнинг узайиши кўринишидаги ўтказувчанликда бузилишлар ИИ бўлган беморлар билан таққослаганда 2 мартадан ортиқ эканлиги (12,3 ва 27,3% (18/66)) кузатилди. 1 ва 3-кунда рўйхатга олинган беморларда, S – Т сегментининг депрессияси Т манфий тишчаси ИИ билан таққосланганда бирмунча кам кузатилди, 9,1% (6/66) ва 31,8% (21/66) беморлар такрорий рўйхатга олинганда бу ўзгаришлар регрессланмади, аксинча, уларнинг мос равишда учраш даражаси 21,2% (14/66) ва 33,3% (22/66) гача ошган.

ИИ бўлган беморларда кам миқдорда лейкоцитоз ва лимпопения кузатилди, бу вақтда ГИ да нейтрофиллар нисбий миқдорининг ортиши ва лимфоцитларнинг камайиши белгиланган, яъни Кребсс индекси ортган (нейтрофиллар сонининг лимфоцитлар сонига нисбати), у ўртача 4,9 ни

ташқил этиб, баъзи ҳолатларда 7 гача чиққан. Олинган маълумотлар мияга қон қуйилишига хосдир.

Биокимёвий маълумотларни таҳлил қилганимизда, ГИ да карбамид ва креатинин даражаси ИИ билан оғриган беморларга нисбатан ишончли юқори бўлганлигини қайд этди(2-жадвал).

2-жадвал

**Церебрал инсултнинг турига боғлиқ равишда, биокимёвий кўрсаткичларга хос қийматлар**

	Геморрагик инсулт	Ишемик инсулт	P
Карбамид	7,7±0,3	9,3±0,6	<0,05
Креатинин	76,7±4,9	90,3±6,1	<0,05
Умумий холестерин	4,9±0,1	4,8±0,1	>0,05
Умумий билирубин	13,6±0,9	11,6±0,5	<0,05
Боғланган билирубин	8,0±0,9	2,6±0,1	<0,01
АЛТ	45,0±5,8	19,8±1,6	<0,01
АСТ	41,3±4,3	19,6±1,1	<0,01
Глюкоза	6,0±0,3	7,0±0,4	>0,05
Кальций	2,0±0,02	2,0±0,03	>0,05
Триглицерид	1,5±0,1	1,9±0,1	>0,05
Умумийоқсил	75,2±1,5	71,1±1,1	<0,05

ГИ билан касалланган беморлар, ИИ билан касалланган беморлар билан таққослаганда умумий ва боғлиқ билирубиннинг ишончли камайиши белгиланди. Шунингдек, ГИ бўлган беморларда АЛТ ва АСТ кўрсаткичларининг деярли 3 марта камайиши қайд этилган.

3-жадвалдан кўришиб турибдики, фибриноген концентрациясининг ошиши ишемик инсулт билан касалланган аксарият беморларда кузатилади.

**Церебрал инсултнинг турига боғлиқ равишда гемостаз тизимининг кўрсаткичлари**

	Геморрагик инсулт	Ишемик инсулт	P
ПТВ	15,3±0,1	15,5±0,1	>0,05
ПТИ	92,0±1,6	90,6±1,1	<0,05
МНО	1,4±0,02	1,5±0,01	>0,05
АЧТВ	38,6±0,4	28,9±0,3	<0,05
фибриноген	123,7±110,1	523,5±136,3	<0,05

Геморрагик инсултда мўтадил гиперкоагуляциянинг заифлашуви, кондаги фибринолитик фаолликнинг кескин тебранишлари билан боғлиқлиги аниқланган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **“Инсултнинг эрта тиклаш даврида томирда когнитив бузилишларни даволашни оптималлаштириш”** даволаш чора-тадбирларининг самарадорлигини баҳолаш берилган. Инсултдан кейин эрта қайта тикланиш даврида, даволанишдан сўнг беморларда когнитив функцияларнинг маълумотлари ўрганилганида, олиб бориладиган терапия усулларига боғлиқ бўлган когнитив функциялар бузилишида тузалиш динамикаси белгиланди. Бартел ўлчови бўйича максимал эҳтимоли бўлган баҳо 100 баллни ташкил этишини айтиб ўтамыз. Даволашнинг бошида бу ўлчов бўйича беморларни баҳолашда ўртача қийматлар (балларда) гуруҳлар бўйича мос равишда 22,60±1,5, 23,1±1,2, 22,8±1,4 ва 22,7±1,4 ни ташкил этган.

Ўтказилган даволаш чораларидан кейин 3 ой ўтиб, Бартел ўлчови бўйича кўрсаткичлар 1А ва 1Б гуруҳларида кескин ўзгарди, лекин ўтказилган реабилитация даволашидан кейин 2А ва 2Б гуруҳларда кўрсаткичлар ижобий динамика тенденциясига эга бўлди. Даволашнинг бошида ва ундан кейин баллардаги фарқ ўртача 32,6; 28,4;20,4 ва 12,9 баллни ташкил этган.

Шундай қилиб, ўтказилган реабилитацияли даволаш курсидан кейин такрорий тест натижалари шуни кўрсатдики, 1А ва 1Б кичик гуруҳларда даволаш динамикасида когнитив функцияларнинг статистик аҳамиятли яхшиланиши содир бўлди ( $p < 0,05$ ), 2А ва 2Б кичик гуруҳларда когнитив соҳада яхшиланиш тенденцияси кузатилган.

1-чи ва 2-гуруҳ беморларида неврологик етишмовчиликнинг тузалиш тенденцияси кузатилади, айниқса бу 1-гуруҳда кўпроқ ифодаланган ( $P < 0,05$ ). Бироқ 1А ва 1Б гуруҳларда у жуда ифодаланган. Даволашдан олдин ва кейин баллардаги фарқ 1А гуруҳда – 15,3 балл, 1Б гуруҳда – 21,2 балл, 2А гуруҳда – 9,3балл, 2Б гуруҳда – 7,9 баллни ташкил этган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, миёда пешана ва миё қобиғи функцияларининг ҳолатини акс эттирувчи ФАБ ўлчови бўйича асосий гуруҳда статистик аҳамиятли устунликнинг йўқлигига қарамасдан, қайта тикловчи машғулотлар курсидан кейин вазифаларни бажаришда кўпроқ ифодаланган динамика қайд этилди, у ҳам кўриш майдони, ҳам медиобазал чакка бўлимларидаги функцияларни, шу билан бирга бош миёда миё қобиғининг алоқадорлигини тавсифланган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

#### ФАБ ўлчови ва МоСа тести бўйича маълумотлар динамикаси

Гуруҳлар	ФАБ		МоСа	
	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин	Даволашдан олдин	Даволашдан кейин
1А кичикгуруҳ	13,8±0,3	16,8±0,2*	19,9±0,2	23,5±0,1*
1Б кичикгуруҳ	13,9±0,2	18,0±0,3*	20,2±0,3	25,1±0,3*
2А кичикгуруҳ	14,2±0,2	15,9±0,1	19,3±0,1	20,2±0,2
2Б кичикгуруҳ	14,3±0,2	15,4±0,2	20,1±0,1	22,2±0,1

*Эслатма:* \* - даволашдан олдин ва кейин маълумотларнинг ишончилиги ( $R < 0,05$ );

МоСа тести ўтказилганида 1А ва 1Б кичик гуруҳларда, 2А ва 2Б кичик гуруҳлар билан таққослаганда “диққат” ва “хотира” кичик ўлчовлари бўйича яхшироқ натижаларга эришилди, улар миёнинг қўзғатувчи соҳаси билан билвосита боғлиқлиги аниқланди. Ўтказилган даволаш чораларидан кейин 1А ва 1Б кичик гуруҳ беморларида демент олди ва демент бузилишларнинг учраш даражаси, даволашдан олдинги маълумотлар билан солиштирганда деярли 2 мартага қисқарган ( $P < 0,05$ ).

Шундай қилиб, ўтказилган реабилитацияли даволаш курсидан кейин такрорий тест натижалари шуни кўрсатдики, 1А ва 1Б кичик гуруҳларда даволаш динамикасида когнитив функцияларнинг статистик аҳамиятли

яхшиланиши содир бўлди ( $p < 0,05$ ), 2А ва 2Б кичик гуруҳларда когнитив соҳада яхшиланиш тенденцияси кузатилган.

Реабилитацияли даволанишнинг 30-кунида 1А ва 1Б кичик гуруҳларида энг аҳамиятли натижалар олинди, шундай қилиб уларда ифодали яхшиланиш мос равишда 81,8% ва 70,7% ҳолатда кузатилди, минимал яхшиланиш мос равишда 3,0% ва 12,2% ҳолатда қайд этилди. Яхшиланиш бўлмаган ҳолатлар кузатилмади. 2А ва 2Б гуруҳларда ифодали яхшиланиш 1А кичик гуруҳ билан таққослаганда 1,2 марта кам кузатилди, мўътадил яхшиланиш эса шу гуруҳ беморларига нисбатан 2 марта кўпроқ қайд этилди ( $P < 0,05$ ). Минимал тузалиш 2А гуруҳида 2 марта кўпроқ кузатилди ва 6,3% ни ташкил этди, бу вақтда 1А гуруҳида – 3,0% белгиланди ( $P < 0,05$ ). 2Б гуруҳида ифодали яхшиланиш бўлган беморлар миқдори 57,5% ни ташкил қилди, бу 1Б гуруҳга караганда 1,2 марта кам, мўътадил ва минимал тузалиш 1Б гуруҳга нисбатан деярли бир хил даражада кузатилди, бироқ 1Б кичик гуруҳ беморларида яхшиланиш кузатилмаган ҳолатлар ва минимал тузалишлар қайд этилмаган.

Демак, терапевтик жавобнинг дифференциацияси тўғрисида, когнитив етишмовчиликнинг клиник ўзига хослигига боғлиқ равишда олинган натижалар унинг жадаллашувини тўхтатиш ёки секинлаштириш, ҳамда ҳам инсултга учраган беморларнинг ўзини, ҳам оиласини ҳаёт сифатини қўллаб-қувватлаш мақсадида терапияни оптималлаштириш имконини беради. Комплекс даволашда интраназал Кортексин ва БҚА-терапиянинг тайинланиши неврологик клиник белгиларнинг ифодали камайишига олиб келади.

## ХУЛОСА

«Геморрагик ва ишемик инсултларнинг дифференциал диагностикаси, реабилитация тадбирларини оптималлаштириш усуллари» мавзусидаги докторлик (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган изланишлар асосида кўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Гипертония касаллиги бўлган беморлар инсулт ривожланиши учун катта хавфга эга, у ишемик инсултда – 72%, геморрагик инсултда – 100% беморларда кузатилади. Ишемик инсултда гемипарез – 56%, диплопия – 20%, қўлда парезлар – 20%, афазия – 36%, патологик рефлекслар – 68%, дисфагия – 23% ва нистагм – 32,1%, ни ташкил этган бўлса, геморрагик инсултда гемипарез – 20%, диплопия – 22%, қўлда парез – 18%, афазия – 39,4%, нистагм – 38%, дисфагия – 19,7% ва патологик рефлекслари – 91% ҳолатда кузатилди.

2. Геморрагик ва ишемик инсултларнинг ўткир ривожланиш даврида беморларда МРТ-трактография текширув усули шуни кўрсатдики, патологик жараёнга бош мия шикастланган томонда мия қобиғи ва орқа мия йўллариининг юқори даражада жалб қилинганлигидан дарак беради, яъни мия қобиғи ва орқа мия йўллариининг ифодали ўзгаришлари геморрагик инсултда кўп ҳолатларда кузатилди.

3. Геморрагик ва ишемик инсултларнинг қиёсий-ташхислаш мезони – бу фракцияли анизотропия коэффициенти (relative fractional anisotropy –

рФА) бўлиб, унинг нисбати  $rFA < 0,7$  қийматида бўлса, церебрал инсултнинг геморрагик туридан,  $rFA > 0,7$  қийматида бўлса – ишемик инсултдан дарак беради. Оқ модданинг микротузилмали ўзгаришларини батафсил баҳолаш учун диффуз-тензор МРТ (ДТ МРТ) дан фойдаланиш, ишемик ва геморрагик инсултнинг қиёсий ташхисот мезонларидан эканлигидан далолат беради.

4. ЦИ билан касалланган беморларда неврологик , шунингдек когнитив бузилишлар кортексиннинг интраназал қўлланилиши, ҳамда БҚА-терапия қўлланилиши фонида ижобий натижаларга эришилди, яъни церебрал симптоматикада регресс 48% га, неврологик кўрсаткичларнинг регресси эса ўртача 32% га етди. Бунда айнан, Биологик қайта алоқа принциpidан фойдаланиш, эрта қайта тиклаш давридаги беморларда когнитив функцияларни анъанавий реабилитация усуллари билан таққослаганда юқори самарадорлиги 1,5 маротоба устунлигини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**БОБОКУЛОВ ГУЛМУРОД ДИЛМУРОДОВИЧ**

**ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНАЯ ДИАГНОСТИКА ГЕМОРРАГИЧЕСКОГО И  
ИШЕМИЧЕСКОГО ИНСУЛЬТА, ПУТИ ОПТИМИЗАЦИИ  
РЕАБИЛИТАЦИОННЫХ МЕРОПРИЯТИЙ**

**14.00.13 – Неврология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**БУХАРА – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером №B2021.3 PhD/Tib2112

Докторская диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и в информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель**

**Ходжиева Дилбар Таджиевна**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты**

**Новикова Лилия Бариевна**  
доктор медицинских наук, профессор  
(Российская Федерация)

**Джурабекова Азиза Тахировна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация Ташкентская  
медицинская академия**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №\_\_\_\_). (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Навои, дом 1. Тел/факс: +99865 223 00-50, Веб-сайт: [www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz), e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Г.А.Ихтиярова**  
Заместитель председателя  
научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор  
медицинских наук, профессор

**С.С.Пулатов**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
кандидат медицинских наук,  
доцент

**Г.А.Ихтиярова**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук,  
профессор



## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Инсульт на протяжении многих лет остается важнейшей медико-социальной проблемой. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «... в 2018 году смертность от инсульта в мире составила 6,2 млн. человек, в мире регистрируется 1,0 – 3,0 случаев инсультов на 1000 населения в год...»<sup>1</sup>. В восстановительном периоде инсульта возможен как регресс, так и существенное нарастание когнитивного дефицита. Распространенность нарушений когнитивных функций в популяции, связанных с сосудистыми заболеваниями головного мозга, оказывает существенное влияние на состояние общества в целом и является одной из наиболее актуальных медико-социальных проблем, вызывающих нарушение адаптации в профессиональной, общественной и бытовой сферах.

Проводится серия научных исследований по профилактике осложнений у пациентов с инсультами во всем мире. Оптимизация этапов диагностики и дифференциальной диагностики ЦИ, обоснование характера и полноты лечения пациентов с инсультом была изучена как зарубежными, так и отечественными авторами. Эти задачи особенно важны для населения с целью проведения передовых научных исследований в области диагностики и лечения последствий инсульта, для поднятия уровня современной медицинской помощи на новый уровень и использования современных технологий для качественной медицинской помощи. Распространенность нарушений когнитивных функций в популяции, связанных с сосудистыми заболеваниями головного мозга, оказывает существенное влияние на состояние общества в целом и является одной из наиболее актуальных медико-социальных проблем, вызывающих нарушение адаптации в профессиональной, общественной и бытовой сферах.

